

Ўзбекистон ва Қозоғистон «Вақф» фондлари раҳбарлари учрашди



10:00 / 26.02.2019 1747

Сўнгги пайтларда қўшни давлатлар билан ўрнатилган алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўшни Қозоғистон Республикаси билан ҳамкорлик борасида олиб бораётган амалий ишлари натижасида барча соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Жумладан, Қозоғистонда фаолият олиб бораётган "Уақип" (Вақф) фонди раҳбари жорий йилнинг 25 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ташриф буюрди, деб хабар беради "Вақф" хайрия жамоат фонди Матбуот хизмати.

"Уақип" Қозоғистон фондининг президенти Қайрат Азимовни "Вақф" хайрия жамоат фонди раҳбари Искандар Халилов кутиб олди. Икки томон ўртасида ўтказилган учрашувда фондлар томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар, лойиҳалар хусусида фикр алмашилди. Ўзаро ҳамкорликнинг йўналишлари белгилаб олинган. Меҳмоннинг юртимизга ташрифи давом этмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти